



Ислом Нури

«Шайтон бу ерингизда унинг ўзига сиғиниб ибодат қилишингиздан умидини узган. Аммо энди у сизлар тарафингиздан сизлар арзимас деб ўйлаб, эътибор бермайдиган ишларга ҳам рози бўлади.» ^[2]

«Шайтон бу ерингизда унинг ўзига сиғиниб ибодат қилишингиздан умидини узган. Аммо энди у сизлар тарафингиздан сизлар арзимас деб ўйлаб, эътибор бермайдиган ишларга ҳам рози бўлади.» ^[2]

Яъни бирон яхшилик қилмоқчи бўлсангиз: «Шу арзимас ишни қилиб нима қиласан? Бир йўла каттароғини қиларсан!» деб шайтон васваса қилади ва натижада ози ҳам қолади, кўпини ҳам қилмайсиз. Ёки аксинча, бирон ёмонлик қилишдан тийилмоқчи бўлсангиз: «Нима қилибди шу кичкина нарсани қилсанг?! Катта бир ёмонлик қилаётганинг йўқ-ку!» деб васваса қилади. Натижада бу кичкина ёмонликни бир марта қиласиз, икки марта қиласиз, кейин унга одат қиласиз, сал нарироққа бориб эса каттароғидан ҳам қайтмайдиган даражага бориб қоласиз.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, динга нима хизмат қилишни билмай, ўйланиб юрган биродарларимизга қуйида бир неча фойдали маслаҳатлар бермоқчимиз:

1. Агар динга хизмат қилишга азму қарор қилган бўлсангиз ва шу ниятингизда содиқ бўлсангиз – шунинг ўзи ҳам динга хизматдир. Зеро Аллоҳ таоло Ўзи учун холис бажарилган ишга, унинг қанчалик кичик бўлишидан қатъий назар баракот ато этади.

Бандага бирон хайрли амал кичкина бўлиб кўринса-да, аммо уни ихлос билан адо этса, шу сабабдан Парвардигори олам унинг улкан-улкан гуноҳларини мағфират этиб юбориши мумкин. Бу ҳақда саҳиҳ ҳадислар собит бўлган. Масалан:



Ислом Нури

оларди, дейди. Аллоҳ айтади: «Сен зулмланмайсан.» Ҳамма китоблар бир паллага қўйилади, ҳалиги қоғозча иккинчи паллага қўйилади ва у китобларни босиб кетади. Ўша қоғозча оғир келди, чунки бирон нарса Аллоҳнинг исмидан оғир келмайди». Термизий ривояти.

2. Агар ҳақ йўлни танисангиз ва шу йўлда юришни ихтиёр этсангиз – дин учун хизмат қилган бўласиз. Ҳақ йўл эса – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват йўллари дир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ислом даъватини қандай бошлаганлар, қай услубларни қўллаганлар, қай тарзда иш олиб борганлар, одамларга қандай муомала қилганлар, уларнинг озорларига нечоғлик сабр қилганлар, уларга қанчалик меҳрибон ва ғамхўр бўлганлар – шуларнинг барини ўрганишимиз лозим. Чунки булар Исломга даъват йўлида хатога йўл қўймаслик омиллари дир.

3. Сизни ўраб турган шарт-шароитлардан, мавжуд имкониятлардан даъват йўлида унумли фойдалансангиз – динга хизмат қилган бўласиз. Бизнинг олдимизда битмас туганмас имкониятлар турибди, зеро Аллоҳ таоло ҳаром қилган услублардан бошқа ҳаммаси биз учун ҳалол дир. Фақат уларни топиб, даъват йўлида ишлата олсак бўлгани. Шунинг учун шариат қоидаларига ва одобларига риоя этган ҳолда барча ҳалол йўллардан фойдаланишимиз керак.

4. Шахсий манфаатларингиз ва орзу-умидларингиздан кўра Ислом ишини муқаддам қўйсангиз – исломга хизмат қилган бўласиз. Зеро динга хизмат қилишнинг асл маъноси мол-дунё, вақт, куч-ғайрат, ақлий тоқатлар каби ўзингизда мавжуд имкониятларни оз ёҳуд кўп бўлишидан қатъий назар дин йўлида сарф этишингиз дир.



Ислом Нури

5. Ислом уламолари, даъватчилари ва бошқа солиҳ мўминларга эргашсангиз – динга хизмат қилган бўласиз. Албатта улар йўлини тутиш осон кечмайди. Зеро минглаб анбиёлар босиб ўтган муборак Ислом йўли машаққатлар билан тўлиб тошгандир. Бу йўлдан юриш кишидан ҳар қандай машаққатни матонат билан қарши олишни, улкан сабрни ва бошқа шу каби жиддий сифатларни талаб этади. Негаки анбиёлар олиб келган динга эътиқод қилган, унга даъват этган ҳар бир инсонга барча замонларда дин душманлари қарши чиққанлар, уларни зиндонга тиқишга, қатл этишга ва ватанидан қувиб чиқаришга уринганлар.

Сиз ҳам модомики шу йўлни танлаган экансиз, аввало ушбу муборак йўл сизга муборак бўлсин. Лекин, аввалги лаҳзалардан бошлаб шу сифатларни ўзингизда ҳосил қилишга интилинг, хотиржамлик ва оромни йўқотишга ҳар лаҳзада тайёр бўлинг.

6. Дангасалик, бўшашиш ва ғайратсизлик каби иллатлардан ўзингизни покласангиз – Исломга хизмат қилган бўласиз. Зеро Ислом – қатъият, ҳиммат, ғайрат ва жасорат динидир. Қўрқоқ ва ҳимматсиз кишиларнинг бу йўлдан адашмай ва оғишмай боришлари жуда қийин бўлади.

Мусулмонлар бошига келган фалокат ва мағлубиятлар ҳам асосан икки тарафдан: қизиққон ва шошқалоқ жоҳилларнинг хатолари сабабидан ё эса совуққон ва дангаса мусулмонларнинг масъулиятсизлиги туфайли бўлган.

7. Қалбингизни Парвардигори оламга боғласангиз, Аллоҳга кўпроқ дуо қилиб истиффор айтсангиз, Қуръони Каримни кўпроқ тиловат қилсангиз – Исломга хизмат қилган бўласиз. Зеро Аллоҳ аzza ва жалла



Ислом Нури

зикридан, фарз ва нафл ибодатлар билан Унга яқинлашишдан кўра мўмин қалбини ғайратлантирадиган, ўзини амалга чорлайдиган нарса йўқдир.

Зикру тиловатдан эринган қалб албатта дангаса бўлади ва дин учун озгина ҳатти-ҳаракат ҳам унга малол келадиган бўлиб қолади.

8. Дин иши учун ҳаётини тиккан, борини Ислом даъватига фидо этган ҳақиқий олимлар билан боғлансангиз – дин учун хизмат қилган бўласиз. Зеро пайғамбарларнинг шундай чин меросхўрлари байроғи остида ҳаракат қилиш, олиб бораётган курашларида улар билан елкама-елка туриш, уларнинг барча кўрсатмаларига амал қилиш биз мусулмонларни ғалаба ва иззат-шараф сари етаклайди.

9. Кундалик, ҳафталик, ойлик ишларингизни чиройли тартиб-интизомга солиб, режа билан иш қилишга одатлансангиз – Исломга хизмат қиласиз. Зеро мўмин одам олдида ундан ҳар куни талаб этиладиган ишлар ҳам, ҳар ҳафта ёки ҳар ой такрорланадиган ишлар ҳам, йилда бир марта қилиниши лозим амаллар ҳам бордир. Агар буларнинг ҳаммасини пухта режалаштирилмаса, бири иккинчисига ҳалақит бериши ёки бирини қилиш билан бошқаси эсдан чиқиши ё вақтга сиғмаслиги мумкин бўлиб қолади.

Кундалик ишларга мисол – ҳар куни даъват этишингиз лозим бўлган одамлар, масалан хотин, бола-чақа тарбияси билан машғул бўлиш.

Ҳафталик ишларга мисол – ўз жамоангиз билан тўпланиб улар билан иймонлашиш ёки устозингиз билан кўришиб дарс олиш.

Ойлик ишларга мисол – бирон муҳтож оилани зиёрат қилиб уларнинг



Ислом Нури

ҳолидан хабар олиш ва ёрдам бериш ёки қўшни шаҳар ё қишлоқдаги биродарларингизни зиёрат қилиш.

Йиллик ишларга мисол қилиб – узоқроқ шаҳардаги биродарларингизни зиёрат қилиш, ҳаж ё умра каби сафарларни уюштиришни киритса бўлади.

10. Ғайратингиз, вақтингиз, ақлингиз, фикрингиз ва мол-дунёингиздан бир қисмини доимий ва мунтазам равишда ислом иши учун ажратадиган бўлсангиз – динга хизмат қилган бўласиз. Тоинки ғамингиз ҳам, дарду фикрингиз ҳам фақат Ислом бўлсин. Турсангиз Ислом дарди билан тулинг, ўтирсангиз Ислом ғами билан ўтилинг, юрсангиз фақат Ислом иши учун юлинг, ўйласангиз фақат Ислом равнақи ҳақида ўйланг, мол-дунё сарфласангиз фақат Ислом ривожи учун сарфланг.

11. Яхшиликнинг бирон янги турини топишингиз билан дарҳол ўшанга шошилсангиз, унга ўз ҳиссангизни қўшишга интилангиз – Исломга хизмат қилган бўласиз. Дини Ислом учун бирон хизматингизни тақдим қилиш имкони бор экан – ҳечам иккиланманг ва зинҳор пайсалга солманг! Зеро эртага бу ишни қилишга имкон бўладими йўқми – билмайсиз.

Ундан ташқари, ҳеч биримизни Аллоҳ таоло бу дунёга боғлаб қўймаган ва ажалимиз қачон битилгани бизга номаълум. Хайрли ишни кейинга қолдирган киши мўлжаллаган пайти келмай туриб тилдан, ҳаракатдан қолиши ё эса мутлақо ҳаётдан кўз юмиб кетишидан хотиржам бўлолмайди ва албатта кечга қолдирган ишига пушаймон ейди.



Ислом Нури

Исломга қандай хизмат қиламан? (китобидан қисқартма) | 8

Аллоҳ таоло барчамизни Ўз калимасини олий қилиш йўлида молию
жонини аямайдиган фидойи инсонлардан қилсин. Омийн!

Муслим ривояти.

Аҳмад ривояти